

Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастурумиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 6 август • сешанба № 30 (870)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

Обуна бўлинг!

“Инсон ва қонун”



Сиз билан,
Сизнинг
ҳимоячингиз,
Сизнинг
маслақдошингиз

Нашр кўрсаткичи — 137

ҲАР БИР халқ тарихида унутилмас кунлар, тўғрироғи, умумхалқ байрамлари мавжуд. Мамлакатимизда энг улуг, энг азиз байрамлардан бири — бу мустақиллик байрамидир. Жорий йилнинг 12 июнида Президентимиз томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йилгирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказиш тўғрисида”-ги Қарори ҳам миллий мустақиллик байрамини ўтказишга бағишлангани боис муҳим аҳамиятга эга.

ҚАРОРДА мустақиллик — бу, аввало, ҳуқуқ эканини, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз кадр-қиммати, орномуси ва гурурини англаши, истиқлол юртимизда яшаётган, миллий, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканини кенг очиб бериш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратилган.

Бу Ватан барчамизники, у мамлакатимиздаги барча инсонларнинг кадр-қиммати юксак бўлишини устувор вазифа сифатида кўради. Ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, орномуси ҳамда гурурининг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланишида айнан Ватан таянч бўлишини англайди. Бинобарин, мустақил Ўзбекистон инсон кадр-қиммати юксалиши ҳамда барчамизга таянч бўлиши учун ўзимизда унга нисбатан ифтихор туйғуси талаб этилади.

Ҳуқуқий давлат, деганда мамлакат суверенитети

Энг буюк неъмат

Танлаган йўлимиз бор

Мустақиллик халқимизнинг хоҳиш иродаси, орзумидлари ва мақсад муддаолари ифодасидир.

ти, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини устувор, деб биладиган ҳамда халқаро миқёсда тан олинган қонунларни тан олувчи ёхуд ўз фаолиятини фақат қонунлар асосида ташкил

этувчи давлат тушунилади. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизнинг халқаро ҳуқуқ нормаларини тўлиқ ўзида мужассам этувчи, миллий ва умумбашарий қадрият-

ларга асосланган Конституция қабул қилинди.

Конституция ҳар қандай давлатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг инъикосидир. Мустақил мамлакатимиз конституциясида ҳам ҳуқуқий давлатнинг белгилари ўз ифодасини топган. Унга кўра, давлат ҳокимияти дунёда тан олинган ҳокимиятларнинг қонун чиқарувчи, ижро

этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принциплари асосланди. Миллий давлатчилигимизнинг тарихий тажрибаларидан келиб чиқувчи ҳокимлик институти ёхуд ўзини ўзи бошқаришнинг нобъ тизими саналмиш маҳалла институтининг жорий этилиши айнан ҳуқуқий давлатга хос бўлган муҳим жиҳатлардир.

Халқ ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги, ташкил сифат принциплари, виждон эркинлиги, мулкий дахлсизлик, жамоат бирлашмалари каби конституциявий нормаларнинг белгиланиши ҳуқуқий давлат тушунчасининг реаллашиб, фуқаролик жамиятининг шаклланишида муҳим омил бўлди.

Зеро, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ўзаро муштарақ тушуналандир. Уларнинг бири иккинчисисиз мавжуд бўлолмайди. Ҳуқуқий давлат яратган ҳуқуқий механизмлар орқали фуқаролик жамиятининг асослари шаклланди. Зотан, кўппартиявийлик тизимининг юзага келиши ёхуд сайлов тизимининг демократлашуви, Парламент ислохотларининг шаклланиши, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг такомиллашуви, фуқаролик жамияти институтлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларига қонуний эътиборнинг қаратилиши айнан фуқаролик жамияти сари қўйилган дадил қадамдир.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Инсон ҳуқуқлари бўйича (Омбудсман) институти, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти каби фаолияти бевосита инсон ҳуқуқларининг ҳимоясига бағишланган фуқаролик жамияти институтлари шаклланди. Кенг қамровли суд ҳуқуқ ислохотлари жадал амалга оширилди. Фуқарога ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай ҳолатда суд орқали ҳимоя қилиш тизими таъминланди. Адвокатура тизими фаолияти такомиллаштирилди. Умуман фуқаролик жамияти инсоннинг мулкий дахлсизлиги, унинг маънавий баркамоллиги ва ижтимоий фаоллигининг йиғиндисини ташкил этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган ўз тараққиёт йўлини тўғри белгилгани, босқичма-босқичлик принциплари амал қилгани ҳамда оқилона сиёсат юритиши натижада ўтган йилгирма икки йил давомида катта ютуқларни қўлга киритди. Бугун мамлакатимиз дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига кирмоқда. Дунёнинг ривожланган давлатлари ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка интиломоқда.

Шунингдек, мамлакатимизнинг нуфузли халқаро ташкилотлар ва давлатлар билан тенг манфаатли ҳамкорлигини сўнгги фактлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Биргина, 2011 йилнинг 26 ноябридаги “Соғлом она — соғлом бола” мавзусидаги халқаро симпозиум ёки мамлакатимиз

таълим тизимига бағишланган 2012 йил 17 февралдаги халқаро конференция, шунингдек, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бағишланган, 2012 йилнинг 14 сентябридаги халқаро конференция ёхуд жорий йилнинг 17 апрелидаги қишлоқ жойларида уй-жой қурилишига бағишланган ўтказилган халқаро конференциялар фикримизга яққол далил бўла олади.

Агар мазкур халқаро миқёсда ўтказилган тадбирларнинг айнан мамлакатимизда ўтказилгани, унинг нуфузи, географиясига эътибор қаратилса, масаланинг моҳияти бирмунча ойдинлашади. Ўзбекистон нуфузли халқаро ташкилотлар ва тараққий этган давлатларнинг эътиборига тушиб, уларнинг қизиқишини уйғотмоқда. Республикаимизда халқаро миқёсда кўтарилаётган масалалар ва уларнинг ечими халқаро нуфузли ташкилотлар ҳамда ривожланган мамлакатлар учун манфаатлидир. Демак, бунга эҳтиёж ва зарурат мавжуд. Ўзбекистоннинг тараққий этган давлатлар қаторига қўшилиш мақсади ўз самарасини бермоқда. Ва у ҳар томонлама истиқболли саналади.

Мустақил мамлакатимиз 22 йил давомида йirik тарихий ўзгаришларни амалга оширишга мубаффақ бўлди. Унинг асосида эса табиийки мустақиллик ётиши шубҳасиз. Айнан мустақиллик боис давлатимиз ўз ҳуқуқий тизимини халқаро меъёрлар асосида миллий ва умумбашарий тамойиллар асосида шакллантириб, фуқароларимиз томонидан англаб идрок этилишига эришмоқда.

Сабаби, ҳуқуқий тизимимизнинг моҳияти конкрет инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда манфаатларини ўзида мужассам этади. Ҳамма нарсасининг асосида инсон ва унинг эҳтиёжлари учун тамойили амалда ўз ифодасини топтомоқда.

Эшмухаммад
ҚОДИРОВ,
филология
фанлари номзоди

Тизим тадбирлари

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

ҳисобга олиш тартиби жорий этилди

ТОШКЕНТ ШАҲАР ва Фарғона вилояти адлия бошқармалари томонидан манфаатдор идоралар ҳамда туман ҳокимликларини ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари ходимлари иштирокида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини таъминлаш тўғрисида”ги қарорини ижроси юзасидан семинар ташкил этилди.

УНДА фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши, уларнинг рўйхатдан ўтказиш ва фуқаролар йиғини тўғрисидаги Низом асосида амалиётда жорий қилинган янгиликлар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар фаолиятини тубдан янгилаш, уларни жамиятимиз таянчига айлантиришга алоҳида эътибор қаратишда. Маҳалланинг роли ва нуфузини ошириш, ҳуқуқ ҳамда ваколат-

ларини кенгайтириш йўлида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган кенг қўламли тадбирлар натижа-сини қўлайликлар, ўзини ўзи бошқариш органларини ҳисобга олиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар, бир вақтнинг ўзида давлат статистика ва солиқ органларида ҳисобга қўйиш, фуқаролар йиғинлари қайта ташкил этилганда ҳисобга олиш тартиблари ҳамда ҳисобга олиш муддатлари юзасидан зарур маълумотлар берилди.

Сўзга чиққанлар юқоридаги қарорга кўра эндиликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом тасдиқланиб, унинг асосида ҳисобга олишнинг ҳуқуқий тартиби белгиланганини қайд этишди.

Мазкур Низомга мувофиқ ҳи-

собга олиш фуқаролар йиғини жойлашган ҳудуддаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, яъни туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан амалга оширилади.

Тадбирда иштирокчиларга ўзини ўзи бошқариш органларини “бир дарча” тамойили бўйича давлат рўйхатидан ўтказишнинг қўлайликлари, ўзини ўзи бошқариш органларини ҳисобга олиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар, бир вақтнинг ўзида давлат статистика ва солиқ органларида ҳисобга қўйиш, фуқаролар йиғинлари қайта ташкил этилганда ҳисобга олиш тартиблари ҳамда ҳисобга олиш муддатлари юзасидан зарур маълумотлар берилди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

Адлия ёрдам берди

Тўланмай қолган нафақа

тўланадиган бўлди

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ адлия бошқармасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан мўъян ишларни амалга ошириб келимоқда.

ЖУМЛАДАН, Жиззах шаҳридаги, “Қалия” МФЙда яшовчи фуқаро К.Ас-танакуюловнинг МФЙ томонидан тайинланган болавариишдаги она-ларга тўланиши лозим бўлган нафақа тўлиқ тайинланмаётганидан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди. Ўрганиш давомида, 12 ой муддатта тайинланган нафақа 4 ойга тўланиб, қолган 8 ойга тўланиши лозим бўлган жами 859460 сўм нафақа тўланмаганини аниқланди ва фуқарога тўланиши лозим бўлган нафақа пули МФЙ томонидан тўланишини қонуний ҳал этиш тўғрисида Жиззах шаҳар ҳокими номига тақдимнома киритилди. Натижада, МФЙ томонидан фуқарога нафақа наватбадга ойларда қўлиб тўланиши таъминланди.

Худди шундай ҳолат Зарбдор туманидаги, “Янги ҳаёт” МФЙда яшовчи фуқаро Н.Мирзаахмедованинг шикоятини ҳам келтирилган, яъни

МФЙ томонидан фуқарога 12 ой муддатга тўланиши лозим бўлган нафақа 8 ой давомида тўланган ҳолос. Натижада, фуқаро 622250 сўм нафақа пулидан маҳрум бўлган.

Мазкур ҳолат юзасидан Зарбдор тумани ҳокими номига тақдимнома киритилиб, МФЙ томонидан фуқарога нафақа пулининг қолган қисми наватбадга ойларда қўлиб тўланиши таъминланди.

Шунингдек, Жиззах туманида яшовчи фуқаро Х.Ярлақованинг турмуш ўртоғига “Жиззах иссиқлик манбаи” корхонаси томонидан иш ҳақлари тўлаб берилмаётганини ҳақидаги мурожаати ўрганиб чиқилди ва корхона томонидан фуқарога иш ҳақи тўлаб берилишига эришилди.

Ориф ХАСАНОВ,
Жиззах вилояти адлия
бошқармаси масъул ходими

Ўқув-машғулот

Йўл қондаси —

умр фойдаси

МАМЛАКАТИМИЗ мустақил тараққиёт йилларида эришган ютуқлари автомобилсозлик соҳасида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Маълумки, ўтган қисқа давр ичида ўзбек автомобиллари жаҳон бозорига ўз макени тобора мустахкамлаб бормоқда. Ўз навбатида, бугун маҳаллий автомобилларимиз қирғи бормаган юртдошларимиз хонадонидан камдан кам топилади. Шу билан бирга, қишлоқларимиз йўлларида энгил автомобиллар қатнови сезиларли даражада кўпайган. Бу эса доимий равишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашни, йўлларимизда ҳаракатланаётган барча турдаги транспорт воситаларининг техник ҳолатини назорат қилиб боришни тақозо этади, — дейди Адлия вазирлигида ўтказилган наватбадга ўқув-машғулот меҳмони Республика давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тарғибот бўлими бошлиғи Мансур Рихсиев.

Шунингдек, тадбирда бугунги кунда йўл ҳаракати хавфсизлигини келтириб чиқараётган сабаблар ва муаммолар хусусида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Бахс ва мунозаралар билан ўтган машғулот сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва
ҳуқуқий таълим бошқармаси

